



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
JAMOAT XAVFSIZLIGI UNIVERSITETI



YOSHLAR ISHLARI  
AGENTLIGI

**YANGI O'ZBEKISTON TARAQQIYOTIDA YOSHLARNI HARBIY-  
VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHNING DOLZARB MASALALARI  
RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA**



*Toshkent - 2022-yil 20-may*

3.Патриотизм, верность воинскому долгу – нравственные традиции и основы духовного потенциала российского офицерского корпуса // [http://voenservice.ru/boevaya\\_podgotovka/ogp/patriotizm-vernost-voinskomu-dolgu](http://voenservice.ru/boevaya_podgotovka/ogp/patriotizm-vernost-voinskomu-dolgu)

4.Патриотизм в США принадлежит людям. //  
<https://bsblog.info/patriotizm-v-ssha-prinadlezhit-lyudyam/>

5.Н.Балуков. Патриотизм по-американски. //  
<http://archive.redstar.ru/index.php/siriya/item/14445-patriotizm-po-amerikanski>

## **ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Bekmirov Tolib Rashidovich**

*Toshkent tibbiyot akademiyasi*

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш барчамиз учун доимий ва долзарб масаладир. Жамиятимизни, ҳаётимизни ва тинчлигимизни ҳимоячилари бўлмиш ҳарбийлик вазифаси азал-азалдан мукаддас ва олийжаноб касб ва бурчларимиздан бири ҳисобланади. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишларни жонлантириш ва фаоллаштиришда таълимтарбия, оила, ота-онларнинг вазифаси алоҳида саналади, шу билан бир қаторда педагогларда ижтимоий ва психологик билимларни ҳам талаб этади. Бугунги кунда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Хусусан “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”да “Ватанпарвар” ташкилоти базасида ёшларни меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитишда қўмак бериш масъулияти

юклатилган [2].

Дарҳақиқат, ватанпарварлик ёшларда фуқаролик бурчи, шахсий масъулият ҳисси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини, фаол ҳаёттің позиция ва қаттың эътиқодини, касбий маҳоратини шакллантирадиган құдратлы воситадир. Бундан унумли фойдаланған ҳолда ёшларимизда ёт ғояларға қарши мағкуравий иммунитетни шакллантириш, Она-юрт тақдири учун масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларни ўз касбига садоқатли ва ҳар томонлама етуқ кадрлар этиб тарбиялаш бўйича аниқ чора-тадбирлар қўришимизни тақозо қилмоқда.

Маълумот ўрнида Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик рухида тарбиялаш ишлари қуйидаги тўрт босқичда амалга оширилади:

**биринчи босқич (3-7 ёшдагилар)** атрофдаги олам, Ватан ҳақида дастлабки тасаввурлар пайдо бўладиган босқич ҳисобланиб, унда оила ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга тегишли йўналишлар бўйича шеърлар, қўшиқлар ўргатиш, эртак ва хикоялар айтиб бериш, расмлар чиздириш, ҳарбий музейлар ва маданият ва истироҳат боғларига экскурсиялар, спорт мусобақалари ташил этиш, давлат рамзлари (байроқ, герб, мадхия) билан таништириш асосида уларда она юртга муҳаббат туйғуларини шакллантиришни ўз ичига олади;

**иккинчи босқичда (7-16 ёшдаги болалар)** ўкувчиларнинг Ватанга муҳаббати ва садоқатини мустаҳкамлаш, Она-юрт олдидағи фарзандлик бурчини юксак масъулият билан бажариш, уларда Қуролли Кучларимизга бўлган ишонч ва ижобий фикрларни янада кучайтириш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, ёшларнинг жисмонан соғлом, маънавий етуқ, мустақил фикр юритадиган баркамол инсон сифатида шакллантириш каби эзгу ишларга даъват этилади;

**учинчи босқич (16-18 ёшдаги ўсмирлар)** ёшларда Ватанга ва унинг ҳимояси учун муносиб хизмат қилишга руҳан ва жисмонан тайёрликни таъминлашга йўналтирилади. Миллий армиямиз учун жисмонан бақувват ва

маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизматнинг аҳамияти, Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот бериб борилади;

**тўртинчи босқич (18-30 ёшдагилар)** ёшларнинг жисмоний ва маънавий қобилияти, етакчилик кўнилмалари ва интеллектуал салоҳияти, профессионал малакасини ошириш, эгаллаган касбига садоқати ва фидойилиги билан Ватан равнақи ва юрт тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиш ва бунга эришишни назарда тутади.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. [https://lex.uz/-](https://lex.uz/) Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси
2. Таваккал Чориев “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли”. “Адолат” СДП сайти <https://adolat.uz/news/> 26.11.2021
3. Зухра Абдураҳманова “Ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” Услубий қўлланма. Тафаккур нашрёти 2012 йил 25 бет.

## **YOSHLARDA VATANPARVARLIK HISSINI RIVOJLANТИRISHDA IJTIMOIY FANLARNING AHAMIYATI**

**Mardonov Bahodir Mardon o‘g‘li**

Davlat bojxona qo‘mitasining Bojxona instituti Iqtisodiy va ijtimoiy fanlar kafedrasи katta o‘qituvchisi

Har qanday davlatning tarixiy taraqqiyot yo‘lidan ma’lumki, yurtning jadal rivojlanishi, muayyan yutuqlarga erishishi, xalqning farovon bo‘lishi o‘sha davlatda yoshlar ta’lim-tarbiyasi va kelajagiga beriladigan e’tibor darajasiga chambarchas bog‘liq. Shu ma’noda, O‘zbekistonda yoshlar masalasi davlat siyosatining eng ustuvor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi.

вектор воспитания современной молодёжи узбекистана

T.R.Bekmirov	Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари	327
B.M.Mardonov	Yoshlarda vatanparvarlik hissini rivojlantirishda ijtimoiy fanlarning ahamiyati	329
O.A.Таджиходжаева	Куролли мажаролар давом этаётган ҳудудлардан қайтарилган болаларга ижтимоий хизмат кўрсатиш масалалари	333
S.X.Baxtiyorova	Bugungi kunda zamonaviy ijtimoiy tarmoqlarning mazmuni va ularning yoshlar ma'naviy-axloqiy tarbiyasiga psixologik ta'siri	338
M.A.Umaralieva	Milliy tarbiya, milliy ma'naviyatga e'tibosizlik – o'zlikni anglashga tahdiddir	342
K.A.Акбарходжаев	Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш келажак пойдевори	345
Э.К.Ахмедов	Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – миссионерлик хавфининг олдини олиш омили сифатида	350
I.I.Rejametova	Harbiy vatanparvarlik tarbiyasining mazmun mohiyati	355
Суванов Илҳом Абдихалилович	Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда армия ва ҳалқ бирлигининг аҳамияти	358
Г.Қосимова	Ўқувчиларга инглиз тилини ўргатишида ўйин таълим технологияси	363
M. Mamatqulov	Xech bir bola ta'limdan chetda qolmaydi! inklyuziv ta'limning o'ziga xos pedagogik taraqiyoti	369
Р.Давуловна А.С.Довулов	Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий қўшиқларнинг аҳамияти	373
Р.Д.Алимбоева З.Джўрабекова	Ёшларнинг куч сифатларини тарбиялаш методикаси хусусиятларининг аҳамияти	376
Р.Д.Алимбоева	Ёш спортчиларни чидамлилик сифатларини енгил атлетика турларидан югуриш турлари орқали ривожлантириш	381